

Бирортангиз бир ишни қасд қилса...

Image not found or type unknown



16:37 / 25.12.2023 3158

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга ҳамма ишларда истихора (хайрни талаб қилиб сўраш)ни худди Қуръондан сура ўргатгандек ўргатар эдилар. У зот: «Бирортангиз бир ишни қасд қилса, фарздан ташқари икки ракат намоз ўқисин. Сўнг:

كُلِّضَفٌ نَمَّ كُلِّ اسَاوْ، كَتَرْدُقُبْ كُرْدُقَتْسَاوْ، كَمْلَعَبْ كُرِيْحَتْسَاوْ يِّنْ اِمُّهَلَلِ
بِوُيْغَلِ اَمَّالَعْتَنَّاوْ، اَمْلَعَاوْ اَلْوَمْلَعَتَوْ، رُدُقَاوْ اَلْوَرْدُقَتْ كُنْ اِفْ، مِطْعَلِ
عَبْقَاعَوْ يَشَاعَمَوْ يَنْ يَدِ يَفْ يَلْ رِيْحَ رَمَّ اَلْ اَدَهْ نَا اَمْلَعَتَتْ نُنْ كُنْ اِمُّهَلَلِ
يَلْ كِرَابٌ مُثْ، يَلْ هُرْسَيَوْ، يَلْ هُرْدُقَاوْ، يَلْ جَاوْ يَزْمُ اَلْ جَاعِ: اَلْ اِقْوَاوْ، يَزْمُ ا
عَبْقَاعَوْ يَشَاعَمَوْ يَنْ يَدِ يَفْ يَلْ رِيْحَ رَمَّ اَلْ اَدَهْ نَا اَمْلَعَتَتْ نُنْ كُنْ اِمُّهَلَلِ
رُدُقَاوْ، [هَنْعَ يَنْ فَرْصَاوْ]، يَنْعَ هُفَرْصَاوْ، يَلْ جَاوْ يَزْمُ اَلْ جَاعِ: اَلْ اِقْوَاوْ، يَزْمُ ا
يَبْ يَنْضَرُّ مُثْ، اَنْ اَكْتُتِيْحَ رِيْحَلِ يَلْ

«Аллоҳумма инний астахийрука биъилмика, ва астақдирука биқудротика ва ас`алука мин фазликалъазийм. Фаиннака тақдиру ва ла ақдиру ва таъламу ва ла аъламу ва анта ъалламулғуйуб. Аллоҳумма ин кунта таъламу анна ҳазал амро хойрун лий фий дийний ва маъаший ва ъақибати амрий, ъажили амрий ва ажилиҳи, фақдурху лий ва йассирху лий, сумма барик лий фийҳи ва ин кунта таъламу анна ҳазал амро шаррун лий фий дийний ва маъаший ва ъақибати амрий, ъажили амрий ва ажилиҳи фасрифху ъанний (васрифний ъанху) вақдурлийал хойро ҳайсу кана сумма роззий биҳ», деб ҳожатини айтсин», дедилар.

Маъноси: Аллоҳим, Сенинг илминг билан Сендан яхшилик сўрайман. Сенинг қудратинг билан Сендан қодирлик ва улуғ фазлингни сўрайман. Сен (ҳар нарсага) қодирсан, мен қодир эмасман. Сен (ҳар нарсани) билувчисан, мен билмайман. Сен ғайбни билувчисан. Эй Раббим, агар мана шу қилаётган ишим (ҳожатининг номини айтади) динимда, яшашимда, ишларимнинг оқибатида, дунё ва охиратимда мен учун яхши бўлса, уни менга насиб эт ва осон қил. Сўнг уни менга баракотли қил. Агар мана шу ишим (ҳожатининг номини айтади) динимда, яшашимда, ишларимнинг оқибатида, дунё ва охиратимда мен учун ёмон бўлса, мендан уни узоқлаштир, (ундан мени узоқлаштир) қаерда бўлса ҳам, мен учун яхшиликни тақдир қил ва мени ундан рози эт.

Имом Бухорий ривоятлари.

Уламолар: Намоз ва мазкур дуо билан истихора қилиш мустаҳаб амалдир», дейишди. У икки ракат бўлиб, фарз намозидан олдинги ё кейинги суннат намозларида, таҳиййатул масжид ва бундан бошқа нафл намозларида ҳам ҳосил бўлаверади. Фотиҳа сурасидан кейин биринчи ракатда «Қул йа аййухал кафирун»ни, иккинчи ракатда эса «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни ўқийди. Дуони юқорида зикр қилганимиз билан бошлаб, Аллоҳга ҳамд ва Расулуллоҳга салавот ва салом айтиш билан якунлайди. Ҳадиси шарифда зикр қилинганидек, истихорани ҳар бир ишда қилиш мустаҳабдир. Агар истихора қилгандан кейин қалби қайси томонга мойил бўлса, ўшани бажараверади.